

ЎЗБЕК ТИЛИ

10-синф

2-вариант

1. Равишдош, сифатдош, ҳаракат номи бу -

- А) Феълнинг функционал шакллари. Б) Етакчи феъллар.
В) Кўмакчи феъллар. Г) Ясама феъллар.
Д) Туб феъллар.

2. Равишдош қатнашган гапни аниқланг.

- А) Сизга нима бўлди ойижон?
Б) Бошга тушганни кўз кўради.
В) Бобур уни танигач, отнинг жиловини тортиб, орқасига қаради.
Г) Сен деб қурбон бўлди боболар, Улар кетди, сен қолдинг, тилим.
Д) Дунёда ҳеч бир халқ ўз тилини унутишга ҳақи йўқ.

4. Ҳаракат номи ясовчи қўшимчаларни топинг.

- А) -ла, -са, -сира, -а. Б) -гани, -кани, -қани, -гунча.
В) -иб, -б, -а, -й, -гач. Г) -ган, -кан, -дан, -р, -ар, -ма.
Д) -моқ, -ш, -иш, -в, -ув.

5. Жуфт равиш иштирок этган гапни топинг.

- А) Ота-бола анчагача жим борди, ўртага оғир сукунат чўкди.
Б) Сарагул кечаю кундуз тиним билмасди.
В) Раззоқдан ишдан кейин ҳам дарак бўлмади.
Г) Улкан-улкан ишларни қилмоқ тилагим.
Д) Мадина тез-тез кичик-кичик ҳикояларни севиб ўқийди.

6. Гумон, ноаниқлик маъноларини ифода этган модал сўзлар берилган қаторни топинг.

- А) Эҳтимол, балки, хойнаҳой. Б) Дуруст, бўпти, хўп.
В) Йўқ, дуруст, майли. Г) Демак, хуллас, майли.
Д) Тўғри, тузук, айтгандай.

7. Қайси қатордаги гапда тақлид сўз иштирок этган?

- А) Япроқ тўкила бошлади. Б) Бир томонда чарс-чурс қилиб гулхан ёнарди.
В) Эҳ, тоғ халқининг тўйини кўрмабсиз! Г) О, қандай бахтли инсонман.
Д) Ёмғир ёғар майда-майдалаб... .

8. Ундовларга нисбатан айтилган ҳукмлар тўғри ва тўлиқ берилган қаторни белгиланг.

- А) Шахнинг борлиқдаги нарса-ҳодисаларга турлича ҳиссий муносабатларини ифодаловчи, шунингдек, ҳайвон, паррандаларни келиш - кетиш, тўхтатиш кабиларга ундашни билдирувчи сўзлар туркуми.
Б) Фақат грамматик вазифа бажарувчи сўзлар гуруҳи.
В) Сўзлар билан ўзаро алоқа киришмайдиган, мустақил синтактик вазифа бажармайдиган сўзлар.
Г) Шахнинг фақат ҳис-туйғуларини ифодалашга хизмат қилувчи сўзлар.
Д) Мустақил сўз туркумларидан маънолари ўзлашиб қолган, ҳис-туйғу ифодаловчи сўзлар гуруҳи.

9. Қайси гапда кўмакчи вазифасида келган сўз ҳаракатнинг юзага келиш ўрнини билдиради?

- А) Билимимиз кун сайин ошмоқда. Б) Дарсдан кейин онамга ёрдамлашдим.
В) Кўзичоқ дарахт тагида ўтламоқда. Г) Биз мактабга қараб йўл олдик.
Д) Навоий газалиёти ҳақида суҳбат бўлди.

10. Ҳайдаш- чақириш ундовлари берилган жавобни аниқланг.

- А) Кишт, бех-бех, чух. Б) Бех-бех, балли, уф.
В) Оҳ, уҳ, о, э. Г) Бай-бай, хайр, хуш.
Д) Вой, ура, кишт.